



Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

• 2013-yil, 19-noyabr. Seshanba • 138 (31.728)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

• 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

• www.uzbekistonovozi.uz

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

”

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг яқинда бўлиб ўтган ялпи мажлисида Вазирлар Маҳкамаси тақдим этган Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилга мўлжалланган Давлат бюджет лойиҳаси ва солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари кўриб чиқилди. Унда ҳукумат аъзолари, қатор вазирлик ва идораларнинг мутасаддилари иштирок этди. Кун тартибидagi масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Молия вазир Рустам АЗИМОВ батафсил ахборот берди.



2014 йил учун давлат бюджети

ҳамда солиқ-бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тасдиқланди

2014 йилги Давлат бюджети лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан жорий йилнинг 18 январида Ҳукумат йиғилишида белгилаб берилган муҳим вазифаларни амалга ошириш мақ-

садида ишлаб чиқилгани йўналишида алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мамлакатимизнинг бош молиявий ҳужжатига келгуси йилга мўлжалланган асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогно-

зи, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, иқтисодий янгилаш ҳамда модернизация қилиш, макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш, қулай инвес-

тициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш масалалари қамраб олинган.

(Давоми 2-бетда.)

Суд орқали
ҳимояланиш
ҲУҚУҚИ
кафолатлари



3

Сержантларга
ДИПЛОМ
топширилди



Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг саф майдонида Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари курсантларининг навбатдаги битирув тантанаси бўлиб ўтди.

4

ЎзХДП: устувор вазифалар

Дастурий ғоялар ижроси таҳлил этилди

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Навоий шахрида вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари иштирокида кенгайтирилган мажлис ўтказилди.

2

Ижтимоий ҳимоя

Бюджет маблағлари — қатъий назорат остида

Бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий изчил ривожлантиришни таъминлашга хизмат қиладиган муҳим омиллардандир.

Бюджет ташкилотларининг бюджет интизомига риоя этиши устидан назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлиги зиммасига юкланган. Мазкур тузилмалар ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида ҳар йили тасдиқланадиган ҳамкорликдаги ишлар режаси асосида бюджет интизоми текши-

ришга доир тадбирлар ўтказди.

Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси 2013 йилнинг тўққиз ойида республика ҳамда маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминланадиган бир юз етмишдан ортиқ объектни биргаликда режали текширувдан ўтказди.

Ун тўртта олимпия захиралари кол-

лежида ўтказилган текширувлар натижасида харид қилинадиган истеъмол товарлари нархи ошириб кўрсатилгани, иш ҳақи асоссиз тўлангани ва бошқа молиявий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Чирчиқ олимпия захиралари коллежида кундалик озиқ-овқат маҳсулотларини бериш бўйича белгиланган нормаларга риоя этмаслик оқибатида озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олиш учун 238,3 миллион сўм, Урганч олимпия захиралари коллежида эса 129,8 миллион сўм ортиқча сарфланишига йўл қўйилган.

3

ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

Қуйи бўғин кучли бўлиши

ҳар бир аъзонинг
фаоллигига боғлиқ

ЎзХДП Тайлоқ туман кенгашида бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг навбатдаги амалий семинари бўлиб ўтди.

Унда БПТ фаолиятини янада кучайтириш, партия Дастури ҳамда ғояларини рўйб-га чиқаришдаги ташаббусларини кўпайтириш, партия сафини ёш аъзолар билан мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди.

— Туман кенгашимиздаги 41 та бошланғич ташкилотта 1500 га яқин партия аъзоси бирлашган, — дейди **ЎзХДП Тайлоқ туман кенгаши раиси Гулнора Ваҳובהва**. — Қуйи ташкилотлар фаоллигини ошириш Сайловолди дастурида илгари сурилган мақсадларга эришиш, элек-

торат сиёсий-ҳуқуқий маданиятини шакллантиришнинг муҳим омили ҳисобланади. Яқинда ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишларида ҳам бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилиб, БПТ ишини такомиллаштириш бўйича кўплаб тавсиялар берилди. Эндиги вазифа қуйи бўғинни кучайтириш орқали электратимиз ҳаётини фаровон қиладиган ташаббусларни, амалий тақлифларни янада кўпайтиришдан иборатдир.

2

«СПОРТДА

хатонинг
катта-кичиги
бўлмайди»



4

«Ўзбекистон овози» газетаси
сайтида ўқинг

Тошкент —
дунёнинг
энг гўзал
шаҳри



2014 йилда

ижтимоий соҳани ривожлантиришга
2013 йилдагига нисбатан қарийб 1,2 ба-
робар кўп маблағ ажратилади.



O'ZBEKISTON OVOZI

— халма-хал фикрлар минбари,

Сизнинг минбарингиз!



ЎзХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ташаббуси билан мутасадди вазирлик ва ташкилотлар иштирокида 2014 йил учун иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури лойиҳаси муҳокамадан ўтказилди.

Унинг тафсилотлари билан газетамизнинг кейинги сонларидан бирида танишасиз.

2014 йил учун давлат бюджети

ҳамда солиқ-бюджет сиёсатининг асосий
йўналишлари тасдиқланди



Ахборотга кўра, 2014 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,1 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,3, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,0, қурилиш ишлари ҳажми 9,3, чакана савдо айланмаси 13,8, хизмат кўрсатиш ҳажми 16,2 ва инвестициялар 9,5 фоизга ошиши кўзда тутилмоқда.

Келгуси йил мамлакатимизда макроиктисодий барқарорлиқнинг янада мустаҳкамланиши, ялпи ички маҳсулот таркибининг тақомиллашуви, инвестицияларнинг фаоллашуви, экспорт учун янги бозорларнинг очилиши каби ижобий ҳараётлар кўчади. Жумладан, инфляция даражаси жорий йилдаги 7,7-8 фоиздан 6-7 фоизгача пасайиши, хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 53 фоиздан 54 фоизгача етиши кутилмоқда.

Реал секторнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш бўйича тасдиқланган 14 та мақсадли дастур доирасида 152 та янги йирик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

2014 йилда солиқ юқини янада пасайтириш эвазига ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва инвестиция муҳитининг жозибадорлигини ошириш юзасидан муҳим чоралар амалга оширилди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашни рағбатлантириш мақсадида 2014 йилнинг биринчи январидан бошлаб фойдаланиш муддати 10 йилгача бўлган (ҳозирда бу муддат 5 йил) асбоб-ускуналар учун мол-мулк солиғи белгиланмайдиган. Мазкур солиқ имтиёзи орақали 108 миллиард сўм маблағ корхоналар иштирокида қилини кутилмоқда. Бу янги иш ўринлари очилиш, ходимлар меҳнатини рағбатлантириш учун қўшимча имконият беради.

Йиғилишда маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини мустаҳкамлаш, ҳудудларга бериладиган субвенция миқдорини камайтириш, ер ва бошқа ресурслардан янада самарали фойдаланишни рағбатлантириш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

2014 йилда ҳам бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсия ҳамда нафақалар миқдори кўтариладиган инфляция даражасидан юқори суръатларда оширилади. Илм-фан, маданият ва спорт харажатлари жорий йилдаги нисбатан 1,2 баробар юқори бўлиши кутилмоқда.

Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — Молия вазир Рустам АЗИМОВ аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлиги ошганини ҳисобга олган ҳолда, 2014 йилдан бошлаб ижтимоий нафақаларни тайинлаш, беришнинг янги мезонларини қўйиш чоралари ишлаб чиқариладигани маълум қилди.

Йиғилишда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг даромад ва харажатлари ўртасида мувоzanатни таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2014 йилда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, 160 тасини мукаммал таъмирлаш, 39 та академик лицей ва касб-хўна қоллежиде қурилиш-реконструкция, 122 тасида мукаммал таъмирлаш ишларини олиб бориш мўлжалланган. Жамғарма маблағлари ҳисобидан 2014 йилда касб-хўна қоллежларини жиҳозлашга жорий йилдаги нисбатан 1,5 баробар кўп маблағ ажратилди.

Жами бюджет харажатларида солиқни сақлаш соҳасининг улуши 14 фоизни ташкил этаётгани, шу билан бирга, Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳисобидан келгуси йил 137 та солиқни сақлаш муассасасини бунёд этиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш режалаштириладигани партиянинг Дастурида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, қишлоқларда тиббий хизмат кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш бўйича кўзда тутилган мақсадларга тўла мосдир.

Улугбек ВАФОВЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари:

— Бюджет тизимида маблағларнинг шаклланиши, манзилли ишлатилиши, бюджетнинг даромад ва харажат қисми ўртасида, ҳудудлар кесимида ҳамда маълум муддатларда мутаносиблиқни таъминлаш жуда мураккаб ҳараётдир. Ундаги кичик бир тўқналишлар ҳам катта ижтимоий-иктисодий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун Бюджет тизими соат механизмидек раvon ишлаши талаб этилади.

Бюджетни қабул қилишдан тортиб, унинг ижросини таъминлашга бўлган ҳамма ҳараётларда барча даражадаги депутатлик корпуси иштирокини янада фаоллаштириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Бизга тақдим этилган 2014 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қарори лойиҳасида ҳукуматга ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига аниқ вазифалар белгиланган бўлса-да, Давлат бюджети ижросини таъминлаш бўйича депутатлик корпусининг иштироки билан боғлиқ вазифалар умуман назарда тутилмаган эди. Фракциямиз фикрича, Давлат бюджетини қабул қилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари маъқуллаш ёки ижро ҳокимияти олдига те-

гишли вазифалар қўйиш билангина чекланмаслиги керак. Аксинча, бюджет ижроси билан боғлиқ барча ҳараётларда депутатлик корпуси фаол қатнашиши зарур.

Шундан келиб чиқиб, фракциямиз бу борада ўз таклифини берди. Бизнинг таклифимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2014 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги қарориде ўз ифодасини топди.

Унга кўра, Қонунчилик палатаси депутатларига 2014 йилда Давлат бюджети ижроси юзасидан депутатлик назоратини изчил олиб бориш, халқ депутатлари туман, шаҳар ва вилоят Кенгашиларидеги депутатлик корпуслари билан ҳамкорликни янада кучайтириш, Давлат бюджети ижроси устидан жойларда тахлийий ишларни амалга ошириш, уларнинг ақунарига асосан қонунчиликни тақомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифалари белгиланди.

2014 йилда ижтимоий соҳани ривожлантиришга 2013 йилдаги нисбатан қариб 1,2 баробар кўп маблағ ажратилди. Демак, келгуси йил Давлат бюджети ижроси тўлиқ таъминланиши партиямиз дастурий мақсадлари изчил амалга ошиши, электротар мафатлари самарали ҳимоя қилинишда ниятда муҳимдир. Шунинг учун фракциямиз бу борада барча имкониятларини ишга солади.

Улугбек ЗОКИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мамлакатимизда юридик ва жисмоний шахсларга солиқ юқи йилдан-йилга енгиллашиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу ҳақда гап кетганда, 2014 йилда юридик шахсларнинг фойда солиғи ставкасини 9 фоиздан 8 фоизгача пасайтириш кўзда тутилганга эътибор қаратишни истардим. Шунинг эвазига 132,5 миллиард сўм хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз иштирокида қолади. Яъни, уларнинг айланма маблағлари қўяди, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги иш ўринлари яратиш учун қўшимча имкониятлар юзга келади.

Шунингдек, ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, молиявий имкониятларини янада яхшилаш мақсадида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг биринчи шакла бўйича ставкаси 8 фоиздан 7,5 фоизгача пасайтирилмоқда. Бу аҳоли даромадлари келаси йил қўшимча равишда 95 миллиард сўмга қўпайишини аналтади.

Тахлийлар энг кам иш ҳақининг 5 баробарига миқдорда даромад олувчи аҳолига солиқ юқи сўнгги беш йил ичиде қариб икки баробарга камайганини кўрсатиб турибди. Хўжалик юритувчи субъектларга, кам даромад олувчи фуқароларга солиқ юқи енгиллаштириш Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида иқтисодийни ислоҳ қилиш, аҳоли даромадлари қўпайишини таъминлаш бўйича кўзда тутилган вазифалар амалга ошишига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Биз 2014 йил учун солиқ-бюджет сиёсатидаги бундай ёндашувни тўғри деб ҳисоблаймиз.



Дастурий ғоялар ижроси тахлий этилди

ЎзХДП: устувор вазифалар

Унда вилоятлар партия кенгаши ва маҳаллий Кенгашилардаги депутатлик гуруҳларининг дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, партиянинг 2013 йилдаги Ҳаракат дастури ижроси борадаги ишларини янада фаоллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси Хотамжон КЕТМОНОВ, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари олдиде турган муҳим вазифалар ҳақиде сўз юритди. Жумладан, партия электорати, аиникса, ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиётманд аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, бу борада фойдаланилмаган имкониятларни ишга солишга қаратилган янги ташаббуслар билан чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Алоҳида қайд этилганидек, партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириш учун вилоятлар партия ташкилотлари ва маҳаллий Кенгашилардаги депутатлик гуруҳлари, бошланғич партия ташкилотлари фаолиғи ва ташаббускорлигини кучайтириш, аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш йўлида ижтимоий ҳамкорликни изчил йўлга қўйиш зарур.

Мажлис давомида партиянинг Ҳаракат дастурида Навоий вилоят партия ташкилоти учун белгиланган вазифалар ижроси ҳам тахлий этилди. Электротар манфаатларига доир ижтимоий масалаларни ҳал этишда депутатлик гуруҳлари иштирокини кучайтириш бўйича ишлар ҳолати танқидий кўриб чиқилди.

Йиғилишда янги иш ўринлари ташкил этиш, уларга аҳолининг қўллаб-қувватлашга эҳтиётманд қатламини ишга жойлаштириш ва уларнинг манзил-

ли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ишларида партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг иштирокини фаоллаштириш масалаларига эътибор қаратилди. Жумладан, ёшлар ва касб-хўна қоллежлари битирувчиларининг бандлиғини таъминлаш бўйича депутатлик гуруҳлари томонидан олиб борилаётган ишлар ва бу борадаги доимий мониторинг изчилиғини ошириш зарурлиғи таъкидланди. 2014 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича партия депутатлик гуруҳлари туман ва шаҳарлар, тармоқлар ва корхоналар кесимида тизимли мониторинг ташкил этиш зарурлиғи тўғрисида таклифлар ўртага ташланди.

Шунингдек, мажлисда сиёсий ўқувлар самарадорлигини ошириш, бу борада ахборот-маърифат хоналари имкониятларидан унумли фойдаланиш бўйича фикр-мулоҳазалар билдирildi.

Мажлис ақуниде тегишли қарор қабул қилинди. Унда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиғини янада кучайтиришга доир вазифалар белгиланди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши
Матбуот хизмати.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қуйи бўғин кучли бўлиши

ҳар бир аъзонинг
фаоллиғига боғлиқ

— БПТнинг кучи, таъсири қандай бўлиши унинг атрофиде бирлашган аъзоларнинг фаоллиғи, ташаббускорлиғига боғлиқ, — дейди «Тепакшилоқ» муқобил машина трактор парки бошланғич партия ташкилоти етакчиси Хотамжон СИДДИҚОВ. — Аини пайтда сафимизда 76 нафар аъзо бор. Бошланғич ташкилотда ёшлар сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 15 нафар йигит-қиз партия аъзоллиғига қабул қилинди.

— Бошланғич ташкилот олдиде турган муҳим вазифалардан бири электротарни ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва юқори партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳлари муҳокамасига киритишдан иборатдир, — дейди халқ де-

путатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Муртазо МУРОДОВ. — Шу боис депутатлик гуруҳимиз билан бошланғич ташкилотлар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Депутатлик гуруҳи йиғилишлари, турли масалалар муҳокамасида бошланғич партия ташкилотлари етакчиларининг иштироки турли ижтимоий масалаларни ҳал этиш бўйича ҳаётий таклифлар ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлаёпти.

Тадбир давомида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини жонлантириш, электротар билан ишлашда замонавий сиёсий технологиялардан кенг фойдаланишга доир таклиф-тавсиялар, фикр-мулоҳазалар билдирildi.

Абдували ХУДОЁРОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)



(Давоми. Боши 1-бетда.)

«СПОРТДА хатонинг катта-кичиги бўлмайди»

Юртимизда спортнинг қиличбозлик тури оммалашиб бормоқда. Янги истеъодларни излаб топиш, тарбиялаш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Пойтахтимизда Қиличбозлик олий маҳорати мактаби халқаро андозалар асосида тўла қайта жиҳозланиб, ёшлар ихтиёрига топширилди.

Қиличбозлик

Виллоятларда ушбу спорт турига ихтисослаштирилган махсус болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, тўғарақлари ташкил этилгани ўз самарасини бермоқда. Кейинги йилларда мамлакатимиз спортчилари қўлга ва жаҳон чемпионатлари, ёзи Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.


Иқтидорли ёшлардан бири — қиличбозликнинг шпига йўналиши бўйича жаҳон чемпионати совриндори, Марказий Осиё чемпиони, Лондон олимпиадаси иштирокчиси Руслан Кудоев.

— Андижон виллоятининг Асака шаҳрида туғилганман, — дейди Руслан КУДАЕВ. — Ўн бир ёшимдан бошлаб шахримиздаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабиде мураббий Ринат Семеевдан қиличбозликнинг илк сир-асрорларини ўрганганман. Устозимнинг талабчанлиги ва қаттиққўлиги туфайли орадан бир неча йил ўтиб, шпига бўйича ўсмирлар ўртасида мамлакат миқёсида ўтказилган мусобақаларда галаба қозона бошладим. Сўнгра айнан Ринат аканинг тавсияси билан пойтахтимиздаги Республика Олимпия заҳиралари спорт коллежида таҳсил олдим.

Ҳозиргача қўлга киритган галаба ва ютуқларим замирида аввало мураббийларимнинг беқиёс хизматлари ётибди. Шу боис халқаро мусобақаларда уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

— Мустақил Ўзбекистон қиличбозларидан эркашлар ўртасида биринчи бўлиб сизга Лондон олимпиадасида қатнашиш бахти насиб этди. Унда дастлаб Жанубий Корея вакили Парк Кёнг Дуни маглубиятга учратдингиз. Аммо ярим финал йўлланмаси учун кечган баҳсда Венесуэла спортчиси Сильвио Фернандесга 3:15 ҳисобида имкониятни бой бергандингиз. Шу ўринда, Лондон олимпиадасидаги иштирокингиз хусусида ҳам тўхталсангиз...

— Аслида ҳар бир спортчи учун Олимпия ўйинларида қатнашишнинг ўзи — катта шараф! Дунёда бир неча бор жаҳон чемпиони бўла туриб, бирорта ҳам олимпиадада иштирок этолмаганлар оз эмас. 2004 йили Афина, орадан тўрт йил ўтиб, Пекин олимпиадасига йўллангани қўлга киритиш учун менга бироз омад ва тажриба етишмаганди. Айрим вазиятларда арзимаган биргина



Суратда: Руслан КУДАЕВ (ўнгда)

хато тўрт йиллик меҳнатингизни чиплакка чиқариши ҳеч гап эмас. 2012 йилги Лондон олимпиадасида қатнашиш шарафига муяссар бўлдим. Биринчи жангда Жанубий Корея спортчисини енгганимдан сўнг, ўзимга бўлган ишонч янада орди. Аммо венесуэлалик спортчи билан бўлган учрашувда бироз толиққаним пайд берди.

Қиличбозликни кўпчилик бежизга шохмотга қиёсламайди. Сабаби, бу спорт тури инсондан нафақат қаҳқонлик, балки

ақл-идрок, чидам, мўлжални аниқ ва тез олишни талаб қилади. Бир сўз билан айтганда, Лондон олимпиадаси мен учун катта маҳорат ва синов мактаби бўлди. Айни вақтда 2016 йили Бразилияда бўладиган навбатдаги ёзи Олимпия ўйинларига йўллангани қўлга киритиш орзусида ўз устимда астойдил ишляпман. 2014 йили Жанубий Кореяда Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Ҳозир шу мусобақага тайёргарликни бошлаганмиз. Январ ойидан бошлаб машғулот-

ларни Япония давлатида олиб борамиз.

Ўзбекистон терма жамоаси таркибиде Рустам Дўстмухаммедов, Рустам Иброҳимов, Искандар Баширов, Роман Александров, Гулмира Мамадалиева каби спортчиларимизга ишонч катта.

— Кейинги йилларда дунёда ўзбек қиличбозлик мактаби нуфузи сезиларли даражада орди, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Александр Пелих. — Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта.

Авалло, буни мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган катта эътибор ва ғамхўрлик билан изоҳлашни истардим. Илгари нафақат виллоятларда, балки пойтахтимизда ҳам машғулотларни кўнгилдагидек ташкил этиш учун шароит йўқ эди. Бугун манзара буткул ўзгача. Қиличбозлик мактаблари, тўғарақларида минглаб ўғил-қизлар ўз маҳоратини оширмоқда. Уларга малакали мутахассислар сабоқ берапти. Болалар ва ўсмирлар ўртасида бир йилнинг ўзида ўнлаб нуфузли мусобақалар ўтказиш аниёнага айланганлиги янги-янги истеъодларни кашф этишга хизмат қилмоқда.

Қиличбозликнинг ватани Франция саналади. Мусобақаларда асосан француз тилидаги терминлар ишлатилди. Шу боис бу йилдан бошлаб мамлакатимизда ушбу спорт турига қизиқувчиларга француз тилини чуқурроқ ўргатиш чоралари амалга оширилмапти. Мисол учун, айни пайтда пойтахтимизда қиличбозларга амалий машғулотлардан ташқари, француз тили дарслари ўтила бошланди.

Спортчиларимиз нафақат жанг йўлакчасида, балки тил билишда ҳам ҳеч кимдан кам эмасликларини намойиш этишмоқда.

Абдор МЕЛИБОВ
суҳбатлашди.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

қуйидаги вакант лавозимларга танлов (конкурс) эълон қилади:

1. Япон филологияси кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин.
2. Араб филологияси кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.
3. Туркий тиллар филологияси кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин, катта ўқитувчи — 1 ўрин.
4. Узоқ Шарқ минтақаси иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин.
5. МДХ минтақаси иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги кафедраси: кафедра мудири — 1 ўрин, профессор — 1 ўрин.
6. Педагогика ва жисмоний тарбия филологияси кафедраси: ўқитувчи — 1 ўрин.
7. Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти филологияси кафедраси: доцент — 1 ўрин (0,5 ставка турк адабиёти бўйича).
8. Хорижий Шарқ мамлакатлари адабиёти филологияси кафедраси: доцент — 1 ўрин (0,5 ставка вьетнам адабиёти бўйича).
9. Мумтоз филология кафедраси: профессор — 1 ўрин (араб таттоғлиги).
10. Фалсафа кафедраси: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин.
11. Жаҳон сиёсати кафедраси: доцент — 1 ўрин.
12. Хорижий мамлакатлар тарихи кафедраси: профессор — 1 ўрин, доцент — 1 ўрин.
13. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси: доцент — 1 ўрин.
14. Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаси иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги кафедраси: доцент — 1 ўрин.
15. Хитой ва Жануби-Шарқий Осиё минтақаси иқтисодиёти ва мамлакатшунослиги кафедраси: профессор — 1 ўрин.

Хужжатлар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой ичида топширилиши лозим.

ХУЖЖАТЛАР:

1. Ректор номига ариза.
2. Шахсий варақа (рангли фотосурат билан, оқ фонда).
3. Диплом (аттестат) нусхалари: олий маълумот, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақида диплом, малака ошириш сертификатлари.
4. Илмий ва илмий-услубий ишлар рўйхати.

100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз (собиқ Лоҳутий) кўчаси, 25. Тел.: 233-45-21, 233-44-36.

«Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида»

Танлов

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотариот ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмағида ўтказилди.

Танлов шартлари: Танловга 2013 йилнинг 1 январидан 2013 йилнинг 1 декабригача республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ

ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамиятини барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда chop этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёр-

ланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Ҳолиблар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб толган ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланади.

Танлов ғолибларига мукофотлар:

Ҳолиблар диплом ва компьютер жамланмаси, телевизор, планшет ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзусидаги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма Оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2013 йил 5 декабрда қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 1-хона. Тел. факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz. e-mail: mmfuz@inbox.uz, fonduz@mail.ru.

Ташкилий қўмита

Шифохонанинг ЯНГИ биноси

фойдаланишга топширилди

Нукус шаҳридаги онкология диспансерининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Тиббиёт

Барча қулайликларга эга икки қаватли бино қурилишини Нукусдаги «Ремонтэлектромонтаж» таъмирлаш-қурилиш корхонаси қурувчилари амалга оширди. Шифохонанинг биринчи қаватида поликлиника, иккинчи қаватида радиология бўлими жойлашган.

Эллик нафарга яқин юқори малакали шифокор ва ҳамшира меҳнат қилаётган бу тиббиёт масканда беморларга аниқ таххис қўйиш ва самарали даволаш учун барча шароитлар яратилган. Шунингдек, рентген, компьютер томографияси, УЗИ, фиброэндоскоп каби замонавий тиббий ускуна-



лар ўрнатилган.

Бу имкониятлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини оширмоқда.

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СЕРЖАНТЛАРГА
ДИПЛОМ
ТОПШИРИЛДИ

Ички ишлар вазирлиги Академиясининг Сержантлар таркибининг тайёрлаш олий курслари 2004 йилда ташкил этилган эди.

Таълим

Бугунга қадар Академияда ички ишлар идораларининг патруль-пост, йўл ҳаракати хавфсизлиги, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш, қўриқлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жазони ижро этиш, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа йўналишлардаги хизматлар фаолияти учун жами 9 мингдан ортиқ мутахассис-сержантлар тайёрланди.

Қуни кеча Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг саф майдонида Сержантлар таркибининг тайёрлаш олий курслари курсантларининг навбатдаги битирув тантанаси бўлиб ўтди.

— Сержант деган унвон олганимдан жуда хурсандман, — дейди Даврон Якубов. — Ватанимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини қўриқлаш — ҳар бир йигитнинг бурчи. Биз ана шу муқаддас вазифани бажаришга тайёрмиз.

— Ўғлим касбимни давом эттираётганидан фахрланаман, — дейди Раҳимжон Якубов. — Зеро, тинчлик-осойишталик посбони, деган номга сазовор бўлиш шарафлидир.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ОБ-ҲАВО 19-20 - 11. 2013

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм виллоятлари

0 / +5 +2 / +7

Бухоро ва Навоий виллоятлари

0 / +5 +8 / +13

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё виллоятлари

0 / +5 +11 / +16

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё виллоятлари

+2 / +7 +13 / +18

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона виллоятлари

0 / +5 +11 / +16

Тошкент шаҳри

+3 / +5 +11 / +13

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +6 / +9

Париж +7 / +6

Москва 0 / +3

Мадрид +12 / +9

Пекин +10 / +11

Канберра +28 / +27

Токио +14 / +15

Стокгольм +8 / +4

Кейптаун +25 / +20

Қоҳира +20 / +21

Гавана +29 / +30

Вашингтон +11 / +11

О'ZBEKISTON OVOZI

газетасига реклама ва

эълонлар қабул

қилинади.

Мурожаат учун

телефонлар:

(8-371) 233-38-55

(8-371) 233-47-80

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek

MUSTAFOYEV

Muslihiddin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farruh HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;

Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;

Jamoaatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;

Sport va vatandorlik — 233-44-55;

Reklama va o'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan

2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1146

10438

nuxsada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21.15

Topshirilgan vaqt — 22.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633

7 7 2 0 1 0 7 6 3 3 0 0 8

1 2 3 6 5